

Хулоса чиқариш

Режа:

1. Хулоса чиқаришнинг умумий мантиқий тавсифи
2. Хулоса чиқариш турлари:
 - А) дедуктив хулоса чиқариш
 - Б) индуктив хулоса чиқариш
 - В) аналогия

ХУЛОСА ЧИҚАРИШ

**БИР ВА УНДАН ОРТИҚ
ЧИН МУЛОҲАЗАЛАРДАН
МАЪЛУМ УСУЛЛАР
ЁРДАМИДА ЯНГИ
БИЛИМЛАРНИ КЕЛТИРИБ
ЧИҚАРИШДАН ИБОРАТ
ТАФАККУР ШАКЛИДИР.**

Инсон тафаккурининг асосий шаклларида бир хулоса чиқаришдир. Бир ёки бир неча ҳукмлар бошқа ҳукми вужудга келтиришига хулоса чиқариш дейилади. Ҳар қандай хулоса чиқариш иккита таркибий қисмдан иборат:

1) Хулосани вужудга келтирадиган ҳукмлар, яъни асослардан

2) Асослардан вужудга келадиган натижа хулосадан иборат.

Хулосанинг ҳақиқат бўлиши учун унинг асослари чин бўлмоғи, ҳукмлари эса мантиқий боғланган бўлиши керак. Хулоса чиқаришнинг иккита асосий бевосита ва воситали хулоса чиқариш тури бор. Хулоса чиқаришнинг иккита бевосита хулоса чиқариш деб хулоса ёки натижанинг бир асосдан иборат бўлишига айтилади. Бу турдаги хулоса чиқаришнинг қуйидаги шакллари мавжуд: мантиқий квадратга қараб хулоса чиқариш; алмаштириш орқали хулоса чиқариш; предикатга қарама- қарши қўйиш.

**ХУЛОСА ЧИҚАРИШ
ТАРКИБИ**

**АСОС
ЁКИ АСОСЛАР**

**ХУЛОСА, ЯЪНИ
НАТИЖА**

ХУЛОСА ЧИҚАРИШ ТУРЛАРИ

ФИКРНИНГ ҲАРАКАТ
ЙЎНАЛИШИГА КЎРА
КЎРА

АСОСЛАР СЕНИГА
КЎРА

ДЕДУКТИВ ХУЛОСА
ЧИҚАРИШ

ИНДУКТИВ ХУЛОСА
ЧИҚАРИШ

АНАЛОГИЯ

БЕВОСИТА ХУЛОСА
ЧИҚАРИШ

БИЛВОСИТА ХУЛОСА
ЧИҚАРИШ

2.А.Дедуктив хулоса чиқариш

Воситали хулоса чиқаришнинг энг муҳим турларидан бири дедуктив хулоса чиқаришдир. Уни логикада силлогизм (syllogisma-грекча ҳисоблаш, ҳисобга олиш маъносини англатади) деб юритилади ва силлогизм икки ёки ундан кўп асослардан янги хулоса чиқаришни ифодалайди.

Силлогизмда учта хулоса чиқариш йўли бор:

1. умумийликдан хусусийликка Р қараб бориш
2. хусусийликдан умумийликка томон бориш
3. умумийдан умумийга томон бориш.

2 Силлогизм таркиби икки асос. Хулоса ва уч терминдан иборат. Мисол:

1. Ҳамма дарахтлар кўп йил яшайди.
2. Арчаларнинг ҳамма тури - дарахтлардир
3. Демак, арчалар кўп йил яшайди.

Мисолдаги биринчи ва иккинчи ҳукмлар силлогизм асослари, учинчи ҳукм эса хулосадир. Асослар катта ва кичик бўлиши мумкин, бу мисолда биринчи асос иккинчисидан катта. Чунки, «дарахт» тушунчасидан «арча» тушунчаси кичик. Силлогизмда хулоса чиқариш учун хизмат қиладиган тушунчалар силлогизм терминлари дейилади. Улар учта: силлогизм хулосаларнинг кесими - катта термин, силлогизм хулосаларнинг эгаси (субъекти) кичик термин, икки асос учун умумий бўлиб хулосада учрамайдиган тушунча эса ўрта термин дейилади. Катта термин Р ҳарфи (subjektum эга), кичик термин S ҳарфи (subjektum-кесим) ва ўрта термин М ҳарфи (megins- ўрта ҳамма сўзлар лотинча) билан белгиланади. Юқоридаги мисолда «кўп йил» тушунчаси катта термин (Р) «арчалар» тушунчаси кичик термин (S) дарахтлар тушунчаси эса ўрта термин (М) бўлади.

ДЕДУКТИВ ХУЛОСА ЧИҚАРИШ ТУРЛАРИ

БЕВОСИТА ХУЛОСА ЧИҚАРИШ –
БИР АСОСДАН МАЪЛУМ
УСУЛЛАР ОРҚАЛИ ЯНГИ ҲУКМ
ҲОСИЛ ҚИЛИШДИР

АЙЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ
ХУЛОСА ЧИҚАРИШ

АЛМАШТИРИШ ОРҚАЛИ
ХУЛОСА ЧИҚАРИШ

ПРЕДИКАТГА ҚАРАМА –
ҚАРШИ ҚЎЙИШ ОРҚАЛИ
ХУЛОСА ЧИҚАРИШ

МАНТИҚИЙ КВАДРАТ ОРҚАЛИ
ХУЛОСА ЧИҚАРИШ

БИЛВОСИТА ХУЛОСА ЧИҚАРИШ ИККИ ВА
УНДАН ОРТИҚ АСОСЛАРДАН МАЪЛУМ
УСУЛЛАР ОРҚАЛИ ЯНГИ ҲУКМ ҲОСИЛ
ҚИЛИШДИР

ДЕДУКТИВ ХУЛОСА
ЧИҚАРИШ

ИНДУКТИВ ХУЛОСА
ЧИҚАРИШ

АНАЛОГИЯ ОРҚАЛИ
ХУЛОСА ЧИҚАРИШ

2.6.Индуктив хулоса чиқариш

Билимларимизнинг якка ва хусусийдан умумийга қараб боришини англатадиган хулоса чиқариш индуктив (лотинча – inductio - айримликдан умумийга) хулоса чиқариш деб аталади. Индукция тажрибавий кузатиш ва эксперимент билан боғлиқ, индуктив умумлаштириш бевосита текширилиши мумкин. Бу эса индуктив хулоса чиқаришни кенг қўлланишини таъминлайди, у классик ва ҳозирги замон табиатшунослигида амалда жуда кўп қўлланилади. Индуктив хулоса чиқаришнинг тўлиқ ва тўлиқсиз шакллари мавжуд. Тўлиқ индукция бир гуруҳ - синф ёки турдаги нарса, ҳодисанинг ўхшаш белгисига қараб уларга тааллуқли умумийлик тўғрисида хулоса чиқаришдир. Тўлиқ индуктив хулоса чиқаришга эришиш учун бир жинсдан ҳамма предмет ва ҳодисаларнинг сонини аниқ билиш лозим. Бунда қуйидагича фикр юритилади.

Натрий селитраси сувда яхши эрийди.

Калий селитраси сувда яхши эрийди.

Аммиак селитраси сувда яхши эрийди.

Калций селитраси сувда яхши эрийди.

Натрий, калий, аммиак ва калций селитра буларнинг ҳаммаси маълум селитралардир. Ҳамма селитралар сувда яхши эрийди. У умумий хулоса ушбу синфга тегишли ҳамма жиҳатларини ўзида умумлаштирадиган бир нечта фикрлардан иборат бўлганлигидан у қатъий ҳукм сифатида намоён бўлади. Ҳақиқий асосларга кўра чиқарилган индуктив хулоса ишончли бўлади.

Логикада саволнинг 2 тури аниқловчи савол ва тўлдируви савол фарқ қилинади. Гипотеза бирор hypothesis сўзидан ташкил топган бўлиб, у асос фараз маъноларини беради. Гипотеза бирор объектив ҳодисанинг номаълум сабаби ҳақидаги фаразий, эҳтимоллик характеридаги билим бўлиб, инсон билиш фаолиятининг муҳим воситаларидандир.

Гипотезанинг шаклланиши ва унинг илмий текширишда қўлланиш жараёни бир неча қисмга бўлинади.

1. Сабаби фанда номаълум бўлган ва уни илмнинг мавжуд воситалари билан тушунтириб бўлмайдиган ҳодисаларнинг кузатилишидир.

2. Бу сабаби номаълум ҳодисани унинг шарт - шароитлари, кўриниши билан илмнинг барча имкониятлари кўриниши билан илмнинг барча имкониятлари ёрдамида ҳар томонлама ўрганиш.

3. Мазкур ҳодисани юзага келтирган сабаблари ҳақида гипотеза, тахмин, фаразни олға суриш ва тўғри ифодалаб бериш.

4. Бу тахмин этилган сабабни келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибат натижаларни белгилаш.

5. Бу оқибат натижаларнинг объектив реаллик фактларига мос келганлигини, уларнинг тўғри ифодаланишини текшириш ва аниқлаш.

Гипотезанинг юқорида баён қилинган бу тўрт асосий белгиси ҳар қандай гипотезанинг оддий таркибий боғланишлари ҳақида бошланғич маълумот беради. Шунга кўра, гипотеза таркибининг асосий элементлари қуйидагиларидан иборат.

1. Гипотеза учун хизмат қиладиган бошланғич омиллар: кузатиш, эксперимент натижаси ва аниқ текширилган далиллар.

2. Бошланғич фактларни мантиқий ишлаб чиқиш таққолаш, анализ, синтез, умумлаш, абстракциялаш ва хулоса чиқариш.

3. Фараз, эҳтимоллик ҳукми - буюмлар ва улар орасидаги сабабий боғланишларни тушунтирадиган янги билим.

4. Фаразнинг ҳақиқатлигини аниқлайдиган текшириш.

Назария - билимнинг бирор соҳасига оид асосий ғоялар схемаси. Унда инсон тажрибаси, амалий ҳаёти умумлаштирилади табиат, жамият ва инсон тафаккурининг объектив қонуниятларини акс эттиради.

Ҳар бир назария жамият ҳаётининг аниқ даврида мавжуд бўлган билимлар, маълумотлар ва хусусиятларни умумлаштириш, системалаштириш доираси билан чекланган бўлади. Инсониятнинг билим доираси кенгайган ва чуқурлашган сари эски назариялар янги қатор кашф этилган қонуниятлар топилган маълумот ва хусиятларни тушунтириб бера олмайди ва янги назарияларга ўрин бўшатиб беради.

Масалан XIX аср 40-йилларда вужудга келган марксизм назарияси қанчалик мукаммал бўлмасин XX аср ўртасига келиб ижтимоий ҳаёт ва ундаги турли ўзгаришларни тушунтириб беришга ожиз бўлиб қолди, ҳозирда эса узил-кесил инқирозга юз тутди.

Назариянинг бошланғич шакли гипотезадир. Амалиётда, амалий текшириш, ўрганиш жараёнида гипотезанинг тўғри ҳақиқат эканлиги исботланса, шу асосда янги назария юзага келиши мумкин. Назария асосан, илмий қонунларни умумлаштириш асосида юзага келган, янги илмий тадқиқотларга йўл кўрсатган. уларнинг йўналишини аниқлашга ёрдам беради. Бу тадқиқотлар ўз навбатида янги қонуниятлар ва янги назарияларнинг шаклланишига олиб келади.

АНАЛОГИЯ

Аналогия (грек. – мослик, ўхшашлик) бавосита хулоса чиқаришнинг бир туридир. Дедуктив хулоса чиқаришда фикр умумийликдан жузъийликка қараб, индукцияда жузъийликдан умумийликка қараб ҳаракатланаса, аналогияда бир жузъий ҳолатдан бошқа жузъий ҳолатга қараб ҳаракатланади.

Аналогияда предметларнинг ўхшаш хоссаларига асосланиб хулоса чиқарилади. Табиат ва жамиятда объектив турли-туманлик билан бир қаторда, объектив ўхшашлик ҳам мавжуддир. Улар инсон онгида ўз ифодасини топади. Объектив реалликнинг турли соҳаларига оид қонун ва қоидалар тузилиши жиҳатидан ўхшаш бўлса, улар акс эттирган воқеликдаги турли нарса ва ҳодисалар ҳам маълум маънода ўхшаш бўлади.

Аналогия бўйича хулоса чиқариш объектив реалликнинг чексиз кўринишлари ҳамда унда мавжуд бўлган турли системаларнинг хоссалари, муносабатлари, таркибларидаги ўхшашликларга асосланади. Масалан, сайёралар, давлатлар, ижтимоий тузумлар моҳиятида ўхшашлик бор. Билишда муҳим ва номуҳим хоссалар ўхшашлиги асосида аналогия бўйича хулоса чиқарилади.

ХУСУСИЯТЛАР ВА МУНОСАБАТЛАР АНАЛОГИЯСИ

Моделдан прототипга ўтказилаётган ахборотнинг табиатига кўра аналогиянинг икки тури фарқланади: хусусиятлар аналогияси ва муносабатлар аналогияси.

Хусусиятлар аналогиясида икки якка предметлар синфи ўхшаш белгиларга кўра ўзаро таққосланади. Ўхшаш белгиларга асосланиб, бирида мавжуд бўлган белгининг бошқасида ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқарилади. Масалан, Ер ва Қуёш қатор муҳим хоссаларига кўра ўхшашдир, яъни улар бир сайёралар тизимига кирувчи осмон жисмларидир, иккиси ҳам ҳаракатда, кимёвий таркиби ҳам ўхшаш. Ана шу ўхшашликларга асосланиб олимлар Қуёшда топилган янги элемент – гелий Ерда ҳам бўлса керак, деган хулосага келганлар. Аналогия йўли билан чиқарилган бу хулосанинг чинлиги кўп ўтмай тасдиқланди – Ерда ҳам гелий элементи топилди.

Таянч тушунчалар:

1. Хулоса чиқариш – бир ва ундан ортиқ чин мулоҳазалардан маълум қоидалар ёрдамида янги билимларни келтириб чиқаришдан иборат бўлган тафаккур шаклига айтилади.

2. Дедуктив хулоса чиқариш – умумий билимдан жузъий билимга ўтишнинг мантиқий зарурий хусусиятга эгалигидир.

3. Индуктив хулоса чиқариш – Билимларимизнинг якка ва хусусийдан умумийга қараб боришини англатадиган хулоса чиқаришдир.

4. Аналогия – (грек – мослик, ўхшашлик) бавосита хулоса чиқаришнинг бир туридир.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Хулоса чиқариш нима?

2. Хулоса чиқаришнинг қандай турлари мавжуд?

3. Дедуктив хулоса чиқаришнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?

4. Индукция ва тажриба ўзаро қандай алоқада?

5. Аналогия бўйича хулоса чиқаришнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?

Мустақил таълим учун адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.

2. Миллий истиқлол ғояси (Дарслик). –Т.: «Академия», 2005.

3. М.Шарипов, Д.Файзихўжаева. Мантиқ. –Т.: ~.~улом нашриёти, 2004.

4. Ивлев Ю.В. Логика. Учебник для вузов. –М.: Логос, 1998.

5. Хайруллаев М., Хақбердиев М. Мантиқ. –Т.: «Ўқитувчи», 1993.

6. Логика (ўқув қўлланма). –Т.: ТошДАУ, 1992.

7. Фалсафа қомусий луғат. –Т.: «Шарқ», 2004.